

Олтинсой тумани "Яшил макон"га айлантирилмоқда.



Бугун туманимиздаги кўплаб ташкилот ва муассасалар, МФЙ идоралари, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар, шунингдек, туман ҳокимлиги масъуллари иштирокида “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасидаги эзгу вазифалар амалга оширилди.

Олтинсой туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли хонадонларида кўклам баҳор ифори жўш уришни бошлаган кундан ҳозирги вақтгача, туманда ҳам табиат ҳар куни минглаб кўчатларга бойиб бормоқда.

Мазкур ҳайрли тадбирлар 1-сектор ҳудудларида бўш турган ёки соя-салқин бўлмаган жойларда амалга оширилиб, тез ўсувчи, манзарали ва мевали бўлган кўчатлар экилмоқда.



